

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЗАЙНИДДИИОВ ФАХРИДДИН ШАРОФИДДИИОВИЧ

ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ДАРОМАДЛАРИИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИИОТ
ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТГА САМАРАЛИ САРФЛАШ
ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги (Ший) аттестация комиссияси томонидан В2018.1.PhD/Iqt480 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайридинов Азият Ботирович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Хайрулла Абдурасулони
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузурдаги DSc.03/30.2019.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил "14" 12 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (162 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темуր шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил "11" 12 кунни тарқатилди.
(2020 йил "11" 12 даги 55- рақамли реєстр баённомаси)



Т.З.Тешабасв

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кузиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кейинги йилларда пенсия тизимида амалга оширилаётган ислохотларининг асосий мақсади самарали, молиявий барқарор ҳамда пенсия тизими иштирокчилари учун муносиб турмуш даражасини таъминлаб бераоладиган пенсия таъминотини шакллантириш ҳисобланади. “Eurosif (Барқарор инвестициялаштиришнинг Европа форуми) маълумотларига кўра, ҳозирги кунда инвестицияларнинг 90,0 фоиздан кўпроги айнан давлат ва нодавлат пенсия фондлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Европанинг 88 та корпоратив пенсия фондларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра Франция (50 фоиз), Финляндия (41 фоиз) ва Буюк Британия (40 фоиз) ўз жамгарма маблағларини акцияларга инвестициялаштирилмоқда. Облигациялардан эса кўпроқ Норвегия (60 фоиз), Австрия (50 фоиз), Швеция (55 фоиз) ва Испанияда (40 фоиз) фойдаланилмоқда”.¹ Аммо, демографик жараёнларнинг кескинлашиши, ишсизлик даражасининг ошиб бориши ҳамда яширин иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг кўпайиши ҳисобига пенсия таъминоти тизимини диверсификациялаш орқали кўшимча ресурсларни жалб қилишни талаб этади. Бу ҳолатлар жаҳон миқёсида пенсия тизимида ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш масалаларини аҳамиятли эканлигини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш, ижтимоий сугурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий иштирокини рағбатлантириш ва авлодларнинг молиявий иштироки эквивалентлигини таъминлашга қаратилган масалаларнинг илмий асосланган ечимини топишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тадқиқотларда пенсия тизим маблағларини иқтисодиётнинг истикболли тармоқлари ва инфратузилмавий лойиҳаларига жойлаштириш, тизимда рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш, фаол ижтимоий ва инвестицион сиёсатни юритиш бўйича етарлича очиб берилмаган. Бу ҳолат ўз навбатида пенсия тизим даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш борасидан илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда пенсия тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин. Жумладан, пенсионерлар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, ўртача умр кўриш ёшининг ошаётганлиги ва баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламлари орасида пенсияга чиққанидан сўнг ҳам ишлаш кайфиятининг юқорилиги, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлашнинг мураккаблашуви тизимда ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда ислохотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан “...пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим”лиги,

¹ The Global Sustainable Investment forum 2018 / Global Sustainable Investment Alliance- маълумотлари

“...пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислох қилиш зарур”² деб таъкидлаб ўтилди. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш зарурияти ва уни белгиловчи асосий омиллар айтилиши вақтда фуқароларнинг ижтимоий сугурталаш тизимидаги узлуксиз иштирокини рағбатлантириш, янги механизмларини тадбиқ этиш, кекса аҳолининг моддий таъминланганлик даражасини ошириб бориш ва албатта барқарор ҳамда самарали пенсия тизимига эришишда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сон “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пенсия тизими ва таъминоти, уларнинг барқарорлиги, Пенсия тизимининг даромадлар базасини мустаҳкамлаш ва харажатларини самарали сарфлаш масалалари дунё иқтисодчи олимларининг ҳам доим диққат марказида бўлиб келган. Бу йўналишда узоқ хорижий иқтисодчи олимлардан – Д.Кросе, Ж.Ермо, К.Мамарил, У.Ашалеи, П.Скалес, Р.Бауман каби олимларнинг илмий ишларида ёритилган.³

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/ru/lists/view/2228>

³ Della Croce, R. and J. Yermo (2013) Institutional Investors and Infrastructure Financing. OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions, No. 36, OECD Publishing, Cezar Brian Mamaril “Funding defined benefit state pension plans: an empirical evaluation” A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy in the Martin School of Public Policy and Administration at the University of Kentucky. 2013 y. 136-p., William Kwaku Ashaley “Pension reform in Ghana: a study of the pension scheme of three tiers” Campinas 2012 y. 102-p.; Pamela Claudine Scales “Public Pension Governance and Investment Returns in Michigan: A quantitative correlation study”. The doctoral dissertation. 2012 y. p.144; Roger

Якин хориждаги иқтисодчи олимлардан А.Абрамов, А.Радыгин, М.Чернова, К.Акшенцева, К.Туманянц, И.Антоненко, Л.Антосик, Т.Шликова, Т.Муравлева, Е.Н.Лысенко, А.С.Соколов, А.Б.Соколова, А.А.Степанова, Ф.М.Куршаева, А.В.Скуровлар ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш мумкин⁴. Уларнинг илмий изланишларида пенсия тизими ва таъминотининг умумназарий масалалари, пенсия ислохотларини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари, Пенсия тизими маблағларини шакллантириш манбалари ва тартиби, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашда бу жамгарманинг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқ этилган.

Ушбу муаммоларни тадқиқ этишда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Бу йўналишда, айниқса, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, О.О.Олимжонов, А.В.Ваҳабов, Б.Х.Умурзаков, Н.М.Мажидов, Р.Т.Далимов, Ш.З.Давронов, Д.Р.Рустамов, Б.С.Маматов, Г.А.Қосимова ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлмоқда⁵. Жумладан

Titus Baumann “Hybrid Pension Schemes: Risk Allocation and Asset Liability Optimization” Dissertation of the University of St. Gallen Graduate School of Business Administration, Economics, Law and Social Sciences (HSG) to obtain the title of Doctor of Economics, 2005 y. 171-p.

⁴ Абрамов А., Радыгин А., Чернова М., Акшенцева К. Эффективность управления пенсионными накоплениями: теоретические подходы и эмпирический анализ // Вопросы экономики. 2015. № 7. С. 26–44. Туманянц К., Антоненко И., Антосик Л., Т.Шликова. Инвестирование пенсионных накоплений: государство или бизнес? // Финансовый журнал, № 1, 2017. - С. 91-102. Туманянц К. А., Тимофеева Г. В., Интыкбаева С. Ж., Елкина А. С. Оценка и способы повышения результативности механизма капитализации пенсионных взносов в России и Казахстане // Корпоративные финансы. 2015. № 3. - С. 52- 63. Annual Survey of Large Pension Funds and Public Pension Reserve Funds. Report on Pension Funds’ Long-Term Investments / OECD Publishing, 2016. Муравлева Т.В. Новые подходы к определению пенсионного возраста // Финансы и кредит. – Москва, 2011. - №43(475). – С.2-6. и др. Е.Н. Лысенко. Совершенствование формирования и инвестирования пенсионных накоплений в Российской Федерации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. - М.: 2005. - 18 с.; А.С. Соколов. Экономическая политика государства при формировании пенсионной системы в переходной экономике России /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. -М.: 2006. — 18с.; А.Б. Соколова. Формирование распределительно-накопительной системы пенсионного обеспечения в Российской Федерации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. - М.: 2005.- 19 с.; А.А. Степанова. Развитие системы профессионального пенсионного обеспечения в условиях пенсионной реформы /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н.-М.: 2004. - 22 с.; Ф.М. Куршаева. Институциональные аспекты реформирования пенсионной системы Российской Федерации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. - Нальчик, 2003. — 20 с; А.В. Скурова. Развитие системы негосударственного пенсионного страхования в России и за рубежом. Автореф. дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук - Москва, Всероссийская академия внешней торговли. 2011. - 26 с.

⁵ Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров. Молия: умумдавлат молияси: Ўқув қўлланма.-Т. “Iqtisod-Moliya”, 2009 й.-556 б.; Т.С.Маликов, О.О. Олимжонов. Молия: Дарслик.-Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019 й.- 800 б.; Ваҳабов А.В. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 400 б. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения условиях рыночных отношений. Монография. – Т.: “Фан”, 2005. – 176 с. А.В.Ваҳабов, Н.М.Мажидов. Жамгариб бориладиган пенсия жамгармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли: монография. Тошкент., Университет. 2017 й. 127 б.; Н.М.Мажидов. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сугурта тизимини ислох қилиш (пенсия тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2003. - 23 б.; Р.Т. Далимов. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики. Автореферат дисс на соис.учен. степ. канд. экон. наук: — Ташкент, 2002. - 20 с.; Давронов Ш.З. “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш” Иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2019. - 26 б. Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда Пенсия жамгармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. – 32 б. Маматов Б.С. Пенсия жамгармаси фаолияти. Ўқув қўлланма. - Т.: “Баркамол фойз медиа”, 2017. - 280 б.; Г.А.Қосимова. Ижтимоий сугурта: Дарслик. -Т.: “Iqtisod - Moliya”, 2019 й. - 568 б.;

Н.Х.Ҳайдаров, Т.С.Маликов, О.О.Олимжоновлар ўз илмий асарларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда пенсия тизимининг тутган ўрни ва унинг аҳамиятини ёритган. А.В.Ваҳабов, Б.Ҳ.Умурзоқов, Н.М.Мажидов ҳамда Р.Т.Далимовларнинг илмий изланишларида пенсия тизимининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва уни ислоҳ этишда хориж тажрибалари ёритилган. Ш.З.Давронов, Д.Р.Рустамовлар илмий тадқиқотларида пенсия жамгармасининг молиявий барқарорлиги ҳамда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Бироқ, юқорида кайд этиб ўтилган олимларнинг илмий тадқиқотларида пенсия тизими маблағларининг ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга сарфлаш масалаларига атрофлича эътибор қаратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-1 “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўлларига доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлашнинг замонавий илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлашнинг илгор хорижий тажрибасини тизимли ўрганиш;

Ўзбекистон ижтимоий таъминотидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда Пенсия тизими маблағларининг ролини таҳлил қилиш;

ҳалқаро амалиётда Пенсия тизимларидан инвестицион мақсадларда фойдаланиш амалиёти таҳлилин аналга ошириш ва унинг Ўзбекистон учун аҳамиятли жиҳатларини аниқлаш;

ижтимоий таъминотни самарали амалга оширишда Пенсия тизими маблағлари ролини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

индивидуал пенсия капитали – Пенсия тизими даромадларини ошириш ва улардан ижтимоий таъминот ҳамда инвестицион фаолиятни самарали молиялаштиришда фойдаланишнинг муҳим йўли эканлигига баҳо бериш;

пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўлларига оид муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга сарфлашга дахлдор бўлган ташкилот(муассаса)лар фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали йўналтиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гурухлаштириш, умумлаштириш, мантикий фикрлаш, истикболли башоратлаш, киёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг шахсий пенсия ҳисобварагидаги маблагларини бошқаришда масофадан туриб хизмат кўрсатиш механизмини жорий этиш асосида жамгариб бориладиган пенсия таъминоти хизматларини такомиллаштириш асосланган;

пенсия тизими даромадларини инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш мақсадида жамгарма маблагларини банкларга юқори фоизларда кредит ресурси сифатида йўналтириш таклиф этилган;

жисмоний шахслар учун пенсия лойиҳаларини (“Саёҳат”, “Келажакка ишонч”) амалий фаолиятга тадбиқ этиш асосида тизим даромадларини ижтимоий таъминотга самарали сарфлаш асосланган;

корпоратив пенсия таъминотини шакллантириш, пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш ҳамда ташкилот томонидан ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда юридик шахслар учун “Бизнинг фахримиз” лойиҳасини жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

мамлакатимиз амалиётида пенсия таъминотининг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда жамгарма маблагларидан яқин келажакда ва истикболда самарали фойдаланишнинг йўналишлари ишлаб чиқилган;

банклар билан тижорат таклифи асосида маълумот алмашишни йўлга қўйиш мақсадида пенсия тизими маълумотлари асосида кредит скоринги дастуридан фойдаланиш таклиф этилган;

мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий таъминоти борасида муаммоларни замонавий бозор иқтисодиётининг талаблари асосида ҳал қилиш учун Пенсия тизими даромадларини нафақат ижтимоий таъминотни таъминлаш даражасида, балки унинг бир қисмини инвестицион фаолиятни амалга ошириш имконини берадиган даражада ҳам шакллантириш зарурлиги

асосланган ва бу йўналишда тегишли муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пенсия тизими маблағларининг ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга йўналтиришнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, хорижий давлатларнинг соҳага оид илгор тажрибасини тадқиқ этиш, қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси, Акциядорлик тижорат “Халқ банки”, Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан мамлакатимизда Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўлларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўлларини такомиллаштириш, уларни ислоҳ этишга бағишланган илмий концепция, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу йўналишда махсус дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими фаолиятини такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг шахсий пенсия ҳисобварағидаги маблағларини бошқаришнинг масофадан туриб хизмат кўрсатиш механизминини жорий этиш таклифи АТ Халқ банкининг Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг 2020 йил 7 февралдаги №11/1-01-09-70-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида хизмат кўрсатиш харажатларининг камайишига ҳамда иқтисод қилинган маблағларни инвестицияга йўналтириш имкониятини оширишга эришилган. 2020 йилда тизим хизмат кўрсатиш харажатлари ўтган йилга нисбатан 35,3 фоизга камайиши таъминланган;

жамғариб бориладиган пенсия тизими таъминоти даромадларини инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш мақсадида жамгарма маблағларини банкларга кредит ресурси сифатида йўналтириш таклифи АТ “Халқ банки”нинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими

амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг 2020 йил 7 февралдаги 11/1-01-09-70-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жамгариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида жорий этилиши, бўш маблагларнинг банк филиалларига жойлаштирилиши натижасида тизим даромадлиги ошиб, маблаглар жойлаштирилишининг ўртача фоиз ставкаси 2018 йилдаги 11,2 фоиздан, 2019 йилда 15,0 фоизгача кўтарилишига эришилиб, тизимга 179,5 млрд сўм даромад олиб келган;

пенсия таъминоти тизимида жисмоний шахслар учун ишлаб чиқилган пенсия лойиҳаларини амалга ошириш таклифи АТ Халқ банкининг жамгариб бориладиган пенсия таъминоти амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг 2020 йил 7 февралдаги 11/1-01-09-70-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фуқаролар томонидан жамгармага ихтиёрий равишда маблаглар жалб қилиниши 2019 йилда 1,1 млрд.сўм ташкил этиб, 2020 йилда бу кўрсаткич 85,3 млрд. сўмга ошиши имконияти яратилган;

пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш ҳамда ташкилот томонидан ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда юридик шахслар учун “Бизнинг фахримиз” лойиҳаси таклифи АТ Халқ банкининг жамгариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятни амалга ошириш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат “Халқ банки”нинг 2020 йил 7 февралдаги 11/1-01-09-70-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалда қўлланилиши натижасида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар учун ишчи ва ходимларининг шахсий пенсия фондини шакллантириш, ушбу фонд маблагларидан вақтинчалик инвестицион мақсадларда фойдаланиш ҳамда ишчи ва ходимларнинг давлат пенсиясига кўшимча равишда шахсий пенсия жамгармаларини шакллантириб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлашнинг замонавий илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда ижтимоий таъминотда юзага келаётган муаммолар, уларни ҳал этишда Пенсия тизими маблағларининг роли таҳлил қилинган, шунингдек, корпоратив тузилмалар томонидан корпоратив пенсия фондларини ташкил этиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган.


Ҳозирги кунда Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўлларига доир илмий тадқиқотни амалга ошириш, энг аввало, уни ислоҳ этишнинг зарурлиги ва уни белгиловчи асосий омилларга аниқлик киритиб олишни тақозо этади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, жуда кўплаб манбалардан таъкидланганидек, ижтимоий таъминот ва унинг асосий қисми бўлган пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган фуқароларнинг турмуш даражасини таъминлашга ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий характерга эга бўлган қатор чора-тадбирлар комплексини амалга оширилишини назарда тутди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида ва айниқса, унинг сўнгги 2-3 йили давомида Ўзбекистон Республикасида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор муҳим ишлар амалга оширилиб, пенсия сугуртаси принципини жорий этиш билан боғлиқ тизим модернизацияси амалга оширилганлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, бу йўналишда, кейинги йилларда ижтимоий тўловларнинг ягона иш ҳақи базаси шакллантирилиб, пенсия миқдорини ҳисоблаш учун ҳисобга олинган иш ҳақи ҳозирги кун ҳолатига мослаштириш механизми ишламоқда ҳамда фуқаролар учун ҳисобланган сугурта бадалларининг яқка тартибдаги ҳисобларини юритиш тизими тадбиқ қилинган.

Маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодий фаол аҳолининг пенсия таъминоти тизимидаги иштироки ва истиқболда уларнинг пенсия таъминоти билан қамров даражаси тобора ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 46,7 % ни ташкил этиб, бу эса паст даражада эканлигини таъкидлаш лозим. Бундай вазиятнинг вужудга келиши, қолаверса аҳолининг пенсия таъминоти тизимидаги иштирокининг пастлиги пенсия таъминоти механизмларининг амалиётда паст даражали ҳаракатига олиб келади. Шунингдек, тадқиқотларнинг прогнозларига кўра ривожланган мамла-

катларда 2030 йилга келиб ишловчи аҳолига тўғри келувчи пенсия ажратмалари миқдори тахминан икки баробарга ортиши мумкин.⁶

Жаҳон банкининг статистик маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг ортиши ва шунга мувофиқ умр кўриш давомийлигининг ўсиб бориши шунингдек, тугилиш даражаси юқори бўлган даврда тугилган фуқароларнинг белгиланган пенсия ёшига етаётганлиги ҳисобига кекса ёшдаги аҳоли сони ҳам ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Қуйидаги расмда кўринадик, (1-расм) мамлакатимиз 65 ёш ва ундан катта фуқаролар сони 2010 йилдаги 1287,4 минг кишидан 2030 йилга келиб, 2 783,0 минг кишига етиши мумкин.



1-расм. Ўзбекистон жами аҳолиси таркибида пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ўзгариши⁷

Демографик ўзгариш жараёнларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда дунё аҳолиси сони 7 713 468,0 минг кишини ташкил этиб, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 8 548 487,0 минг кишига етиши прогноз қилинган. Таҳлил маълумотларидан кўриндики, демографик ўзгаришлар нафақат мамлакат ижтимоий иқтисодий ҳолатига ўз ўрнида пенсия тизим таъминотида юзага келиши мумкин бўлган молиявий барқарорлик билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Шу билан бирга, алоҳида қайд этиш керакки, пенсия таъминоти тизимининг асосий индикаторларидан бири бу пенсия ёши ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунёда ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этиб, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил этишини (эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёш) кўрсатмоқда.

⁶ Гайдар Е.Т. История пенсий. Становление и кризис системы социальной защиты в современном мире. Статья вторая//Независимая газета. 2004. 13 июля. -С. 10.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлари

**МДХ давлатларида аҳоли пенсияга чиқиш ёши ҳамда умр кўриш
давомийлиги кўрсаткичлари⁸**

| Мамлакат номи | Пенсияга чиқиш ёши | | Ўртача умр кўриш давомийлиги, йил | |
|---------------|--------------------|-------------|-----------------------------------|--------|
| | эркаклар | аёллар | эркаклар | аёллар |
| Белорусия | 61 йил 6 ой | 61 йил 6 ой | 69,3 | 79,2 |
| | 2022 йилдан | | | |
| | 63 йил | 58 йил | | |
| Қозоғистон | 2019 йилдан | | 68,7 | 76,9 |
| | 63 йил | 58 йил | | |
| | | 2027 йилдан | | |
| 63 йил | 58 йил | 67,2 | 75,4 | |
| Украина | 2019 йилдан | | 67 | 76,8 |
| | 60 йил | 59 йил | | |
| | 2021 йилдан | | | |
| | 60 йил | 60 йил | | |
| Россия | 2019 йилдан | | 67,5 | 77,6 |
| | 60 йил 6 ой | 55 йил 6 ой | | |
| | 2023 йилдан | | | |
| | 65 йил | 60 йил | | |
| Тожикистон | 63 йил | 58 йил | 73 | 76,9 |
| Ўзбекистон | 60 йил | 55 йил | 71,3 | 76,1 |
| Туркманистон | 62 йил | 57 йил | 64,7 | 71,7 |

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида жумладан, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун эса 58 ёш белгиланган. 2027 йилга келиб Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшини 63 ёшга етказиш, яъни ҳар йили пенсия ёшини 6 ойга босқичма-босқич ошириб бориш йўли билан эришиш режалаштирилган. Россия Федерацияси пенсия тизимида эса 2023 йилдан пенсияга чиқиш ёшини эркаклар учун 65 ёш ва аёллар учун 60 ёшни жорий этиш кўзда тутилган. 2021 йил келиб Украина ҳам аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини эркаклар пенсия ёши билан тенглаштириш бўйича ислохотлар олиб бормоқда.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлашни ислоҳ этиш зарурияти ва уни белгиловчи асосий омиллар ижтимоий сугурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг мутаносиб иштирокини таъминлаш зарурияти билан боғлиқ эканлигини қайд этиб ўтиш керак. Зеро, азалдан маълумки, ижтимоий бадаллар миқдори ва тўловлар ўртасида доимий мутаносибликка амал қилиш банд бўлган

⁸ www.apsf.ru - Ҳалқаро пенсия ва ижтимоий жамғармалар ассоциацияси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

аҳолининг пенсия таъминотида сугурталанганлик характери билан боғлиқ муҳим тамойили ҳисобланади.

Бу йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқотларимиз натижалари мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий сугурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш механизми мураккаб ва шаффоф бўлмасдан қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Дунё мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия тизимдаги ислохотларининг асосий мақсади самарали, молиявий барқарор ҳамда пенсионерлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлаб бераоладиган пенсия таъминотини шакллантириш ҳисобланади. Бу борада пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини модернизациялашда нафақат бюджетдан ташқари пенсия жамгармасининг балки жамғариб бориладиган пенсия тизимининг инвестицион фаоллигини кучайтириш ва уларни иқтисодий ўсишини таъминлашни асосий омилига айлантириш зарур. Бунда эса албатта пенсия тизимида ўрта ва узоқ муддатли инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурсларни жалб этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларда Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими истикболда фуқароларнинг мустақил ўз-ўзини моддий таъминланиш тўғрисида қайгуришига, ўз меҳнат фаолияти давомида ўз ихтиёри билан жамгармага маблағ йўналтиришга тўртки бўлади. Жамғарилган маблағларни инвестицион йўналишда фойдаланиш эса меҳнат унумдорлигини орттиришни таъминлайди.


Диссертациянинг **“Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга сарфлашнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ижтимоий таъминотда юзага келаётган муаммолар, уларни ҳал этишда Пенсия тизими маблағларининг роли таҳлил қилинган, шунингдек, халқаро амалиётда Пенсия тизимларидан амалиёти ўрганилиб, улардан мамлакатимиз пенсия тизими даромадларидан инвестицион мақсадларда фойдаланишнинг аҳамиятли жиҳатлари бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истикболи, шакл-шубҳасиз, ижтимоий сиёсатни ислох қилиш билан узвий боғлиқдир. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ҳозирги пайтда бутун дунёда ижтимоий сиёсатнинг иккита асосий модели мавжуд. Уларнинг биринчиси патерналистик модель дейилса, иккинчи эса манзилли ижтимоий тизим дейилади. Ушбу моделлар орасида уларнинг иккинчиси, яъни манзилли ижтимоий тизим деб номланувчи модель ижтимоий бошқарувнинг янада самаралироқ янги моделига ўтишни амалга оширишнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Манзилли ижтимоий бошқарув модели учун аҳолининг турли катламлари учун давлат ижтимоий функцияси бажарилишининг табақалаштирилганлиги аҳолининг ночор катламлари фойдасига давлат ижтимоий харажатларининг қайта тақсимланиши, ижтимоий тизим

самарадорлигини ошириш, жамиятда ижтимоий кескинликнинг пасайтирилиши характерлидир. Ўз навбатида, ижтимоий кескинлик даражаси, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг ҳажми ва характери манзилли ижтимоий бошқарув моделини яратишда босқичма-босқич, эволюцион ёндашувнинг бўлишини тақозо этади.

Бир пайтнинг ўзида шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ижтимоий ривожланишнинг патерналистик модели ҳозирги пайтда ижтимоий жараёнларни тартибга солишда ўзининг паст даражада самарадор эканлигини кўрсатди. Унинг таркибида бўлган кўплаб камчиликлар қаторига қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ (2-расмга қarang).



2-расм. Ижтимоий ривожланиш патерналистик моделининг камчиликлари⁹

Ҳатто сиртдан эътибор берилганда ҳам Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий тизими ижтимоий хизматларни турлари, олувчиларнинг тоифалари, молиялаштириш манбалари ва ёрдам кўрсатиш жойига кўра тақсимлашнинг архаик таркибий тузилмасини ўзида намоён этади. Шундай бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида ижтимоий сиёсат борасида патерналистик моделнинг сақланиб қолганини бир неча объектив сабабларга кўра ўринли бўлган деб ҳисоблаймиз.

⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мамлакатимиз ижтимоий таъминотидаги энг муҳим муаммолар устида тўхталиб, ўз позициямизни шакллантирганимиздан сўнг энди ана шу муаммоларни ҳал этишда Пенсия жамгармаси маблағларининг ролини кўрсатишимиз ёки уларни аниқлаб олишимиз керак. Биринчидан, ижтимоий таъминот мақсадларига хизмат қиладиган Пенсия жамгармаси даромадларининг кейинги йиллардаги ҳолатига тегишли маълумотларни таҳлил қиламиз, ундаги ўзгаришларни аниқлаймиз. Иккинчидан, худди шундай тарзда Пенсия жамгармасидан ижтимоий таъминот мақсадлари учун қилинадиган харажатларнинг динамикасини ўрганамиз ва тегишли хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Ана шу мақсадларга эришишнинг биринчисига хизмат қилувчи маълумотлар 2-жадвалда келтирилиб ўтилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси даромадларининг 2016-2020 йиллар учун асосий параметрлари ¹⁰

| т/р | Кўрсаткичлар | Й И Л Л А Р | | | | | | | | | |
|-----|---|-------------|------|-----------|------|-----------|------|-----------|------|-------------|------|
| | | 2016 | | 2017 | | 2018 | | 2019 | | 2020 (режа) | |
| | | млрд. сўм | фонз | млрд. сўм | фонз | млрд. сўм | фонз | млрд. сўм | фонз | млрд. сўм | фонз |
| | Даромадлар | 18113,3 | 100 | 19505,1 | 100 | 24058 | 100 | 23971,4 | 100 | 23424 | 100 |
| 1 | Йил бошига қолдик | 2568,3 | 14,2 | 2282 | 11,7 | 3396,1 | 14,1 | 6973,5 | 29,1 | 4284,9 | 18,3 |
| 2 | Юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов | 9474 | 52,3 | 10226 | 52,4 | 13896,9 | 57,8 | 20430,3 | 85,2 | 22436 | 95,8 |
| 3 | Фуқароларнинг иш ҳақларидан сугурта тўловлари | 3235 | 17,9 | 3993,9 | 20,5 | 5198,2 | 21,6 | 515,7 | 2,2 | 0 | 0,0 |
| 4 | Корхона ва ташкилотлар томонидан реализация қилинган товарлар (хизматлар) миқдоридан ажратмалар | 1527 | 8,4 | 1429,7 | 7,3 | 2769,5 | 11,5 | 900 | 3,8 | 0 | 0,0 |
| 5 | Бошқа даромадлар | 1291 | 7,1 | 1555,5 | 8 | 93,2 | 0,4 | 122,1 | 0,5 | 135,4 | 0,6 |
| 6 | Солиқсиз даромадлар | 18 | 0,9 | 18 | 0,9 | 109,2 | 0,5 | 247,3 | 1,0 | 50 | 0,2 |
| 7 | Давлат бюджетидан субсидиялар | - | - | - | - | - | - | 4700 | 19,6 | 8000 | 34,2 |

Пенсия жамгармаси даромадлари таркибида ўз аксини топган йил бошидаги қолдик миқдори кейинги 4 йил давомида 2568,3 млрд сўмдан (2016 йилдан) 6973,5 млрд. сўмгача (2019 йилда) етиб бориб бу кўрсаткич 2020 йилда эса 2688,6 млрд. сўмга камайиши кутилмоқда. Юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов Пенсия жамгармаси

¹⁰ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси маълумотлари асосида тузилган.

даромадларини шакллантиришда хал қилувчи ахамиятга эга ҳисобга оладиган бўлсак айнан ана шу манба ҳисобидан 2016-2019 йилларда республикаимиз Пенсия жамгармаси даромадларининг 52,3 фоиздан (2016 йил) 85 фоизгача (2019 йил) бўлган қисми таркиб топган. Шунингдек, фуқароларнинг иш ҳақларидан сугурта тўловлари Пенсия жамгармаси даромадларини шакллантиришда таҳлил қилинаётган давр оралигида (2016-2019 йиллар) 17,9 фоиздан (2016 йил) 21,6 фоизгача (2018 йил) муттасил равишда ошиб бориб муҳим ролни ўйновчи манбалардан бири бўлган. Лекин ислохотлар натижасида 2019 йилда бу кўрсаткич атиги 2,2 фоизни ташкил этиб, 2020 йил режасига кўра фуқароларнинг иш ҳақларидан сугурта тўловлар кириш бўлмашлик эҳтимоли юқори. Корхона ва ташкилотлар томонидан реализация қилинган товарлар (хизматлар) миқдоридан ажратмалар биз таҳлил қилаётган давр оралигида пасайиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатган бўлсада, уларнинг даражаси сўнгги 3 йил давомида ҳам 7,3 фоиз ва 11,5 фоиз оралигида бўлганлиги 2019 йилга келиб 3,8 фоизни ташкил қилганлиги (олдинги йилларда бу кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, у 15,0-17,0 фоиз оралигида бўлган), бу манбанинг Пенсия жамгармаси даромадларини шакллантиришда сезиларли даражада камайганлигидан далолат бермоқда. Сўнгги 3 йил давомида (2016-2019 йиллар) солиқсиз даромадлар ҳам Пенсия тизими даромадларини шакллантиришда манба сифатида иштирок этмоқда. Умуман олганда, юқоридаги 1-6 бандларда қайд этилган хулосаларни умумлаштириб, ягона бир хулосани чиқаришимиз мумкин. Лекин бундан олдин яна битта умумий расмни вужудга келтиришимиз керак (3-расмга қarang).



3-расм. Пенсия жамғармаси даромадларининг 2012-2020 йилларда ўзгариш тенденцияси, фоизда¹¹

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг маълумотлари

Бу расмдан кўриниб турганидек, унда 2012-2019 йиллар давомида Пенсия тизими даромадларини шакллантиришда манба сифатида катнашганларнинг роли ўзаро боғлиқликда келтирилмоқда. Уларга қараб туриб, биз бу манбаларда сўнгги йилларда қандай ўзгаришлар (роли кучайган, ёки аксинча, сусайган, ёки ўзгармаган) содир бўлганлигини аниқлашимиз ёки яққол кўришимиз мумкин.

Худди шундай тарзда Пенсия жамгармасидан ижтимоий таъминот мақсадлари учун қилинадиган харажатларнинг динамикасини ўрганиш ва тегишли хулосаларни шакллантиришда 3-жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдам беради.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг 2016-2019 йиллар учун асосий параметрлари¹²

| т/р | Кўрсаткичлар | Й и л л а р | | | | | | | |
|-------------------|---|----------------|------------|--------------|------------|----------------|------------|--------------|------------|
| | | 2016 | | 2017 | | 2018 | | 2019 | |
| | | млрд. сўмда | фоиз | млрд. сўмда | фоиз | млрд. сўмда | фоиз | млрд. сўмда | фоиз |
| Харажатлар | | 18113,3 | 100 | 16622 | 100 | 20480,7 | 100 | 26660 | 100 |
| 1 | Ишламайдиган пенсионерларнинг пенсия ва нафақа тўловлари | 14779,6 | 81,6 | 15958,5 | 96,0 | 19621,2 | 95,8 | 24438,4 | 91,7 |
| 2 | Ишловчиларга пенсия ва нафақа тўловлари | 484,3 | 2,7 | 486,6 | 2,9 | 620 | 3,0 | 1763,8 | 6,6 |
| 3 | Қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, дафн этиш маросимлари учун нафақалар ҳамда бошқа харажатлар | 152,1 | 0,8 | 175,7 | 1,1 | 238 | 1,2 | 0 | 0,0 |
| 4 | Бошқа харажатлар | 3 | 0,02 | 1,2 | 0,01 | 1,5 | 0,01 | 40 | 0,15 |

Бу жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, улардан Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш нуктаи-назаридан бир неча хулосаларни чиқариш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

Жадвал маълумотлари Пенсия жамгармасининг харажатлари таркибий тузилмасида, энг аввало, ишламайдиган пенсионерларга пенсия ва нафақа тўловлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Уларнинг салмоғи 2016-2019 йиллар давомида 81,6 фоиздан (2016 йил) 91,7 фоизгача бўлган даражани ташкил этмоқда. 3-жадвалнинг 1-сатрида акс эттирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлили Пенсия жамгармасининг харажатлари таркибидаги ишламайдиган пенсионерларга пенсия ва нафақа тўловларига нисбатан бир неча муаммоларнинг мавжудлиги маълум бўлади.

¹² Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ишловчиларга пенсия ва нафақа тўловлари билан боглиқ бўлган Пенсия жамгармасининг харажатлари учун, тахлил қилинаётган даврда, нисбатан барқарорлик хос. Унинг салмоғи 2016-2018 йиллар давомида деярли 3,0 фоиз атрофида бўлиб, 2,9 фоиздан (2017 йил) 3,0 фоизгача (2018 йил) тебранган. 2019 йилга келиб, эса 2018 йилга нисбатан 2 баробарга ошган.

Маълум миқдорда харажатлар қилинган бўлишига қарамасдан қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар, дафн этиш маросимлари учун нафақалар ҳамда бошқа харажатлар Пенсия жамгармаси харажатларининг таркибий тузилмасида унча катта салмоққа эга эмас. Илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилаётган давримизнинг дастлабки йиллари учун уларнинг салмоғи 0,2-0,6 фоизни ташкил этган бўлса, унинг сўнгги йилларида бу кўрсаткичнинг даражаси 0,8 фоиздан (2016 йил) 1,2 фоизгача (2018 йил) кўтарилиб борган. 2019 йилга келиб эса жамгарма томонидан ушбу йўналишда харажатлар амалга оширилмаган.

Юқоридаги 1-3-бандларда келтирилган хулосаларни умумлаштирган ҳолда Пенсия жамгармаси харажатларига нисбатан қуйидаги умумий хулосани шакллантиришимиз мумкин: а) Пенсия жамгармасининг харажатлари таркибида ишлайдиган ва ишламайдиганларга тўланадиган пенсия ва нафақалар бу жамгарманинг асосий харажатларини (98,0 фоиз) ташкил этмоқдаки, бу жамгарма олдида қўйилган вазифаларга мосдир; б) жамгарма харажатларининг сўнгги йилларда тўлиқ ўзлаштирилаётганлиги, унда вақтинча бўш турган ортиқча маблағларнинг мавжуд бўлмаётганлиги жамгарманинг инвестицион фаолият билан боглиқ бўлган имкониятларини йўққа чиқармоқда. Буларни қуйидаги 4-расмда келтирилган маълумотлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди.



4-расм. Пенсия жамгармаси харажатлари таркибининг ўзгариши¹³

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг маълумотлари

Тадқиқотимиз натижасида жамғариб бориладиган пенсия тизими таъминоти даромадларини инвестицион фаолиятга самарали сарфлашнинг самарали мақсадида жамгарма маблағларини банкларга кредит ресурси сифатида йўналтириш таклифи ишлаб чиқилди. Таклифнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига жорий этилиши, тизим бўш маблағларини банк филиалларига жойлаштирилиши натижасида тизим даромадлилиги ошиб, маблағларни жойлаштиришнинг ўртача фоиз ставкаси 2018 йилдаги 11,2 фоиздан, 2019 йилда 15,0 фоизгача кўтарилишига эришилиб тизимга 179,5 млрд. сўм даромад олиб келган. Бунинг натижасида олинган даромадларни қайта тақсимлаш орқали тизимда ижтимоий таъминотни самарали ташкил этилишига ҳамда инвестицион салоҳиятни янада оширишга хизмат қилган.

Шунингдек, ҳозирги кунда Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг 1542,0 млрд. сўми давлат дастурларига, 1285,0 млрд. сўм Халқ банки филиалларига юқори фоизли кредит сифатида, 909,98 млрд. сўм банклараро депозитларга ва 25,1 млрд. сўми Саноат қурилиш банки облигацияларига жойлаштирилган. 2019 йил ҳолатига кўра жойлаштирилган маблағлардан олинган жами даромад 461,3 млрд сўмни ташкил этади. Буни қуйидаги 5-жадвалда кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини тармоқлар кесимида жойлаштирилганлиги ҳолати, млрд.сўмда¹⁴

| Т/р | Тармоқлар номи | Жойлаштирилган маблағ | Ўртача фоизи ставкаси | Жами қолдиқдаги улуш (фоизда) | Олинадиган даромад |
|-------------|-------------------------|-----------------------|-----------------------|-------------------------------|--------------------|
| 1 | Давлат дастурлари | 1542,90 | 11,1% | 41,0% | 142,7 |
| 2 | Халқ банки филиалларига | 1285,92 | 22,0% | 34,1% | 179,5 |
| 3 | Банклараро депозит | 909,98 | 16,9% | 24,2% | 128,2 |
| 4 | Облигациялар СҚБ | 25,10 | 15,7% | 0,7% | 10,9 |
| Жами | | 3 763,9 | 14,7% | 100,0% | 461,3 |

Бундан ташқари қонунчиликда белгиланган, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга жойлаштирилиши мумкин.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, Европа мамлакатлари жамгаиб бориладиган пенсия жамгармалари маблаглари молия бозорини ривожлантиришга, ўз навбатида, юкори даромад олишга қаратилган, шунингдек, 50%и кредит ресурсларига қаратилган бўлса, 30%и қимматли коғозлар бозорига йўналтирилган, қолган 20%и эса бошқа паст рискли қўйилмаларга тўғри келади. Европа базавий давлат пенсияси бутун пенсия тизимининг 1/5 қисмини, мажбурий жамгарилувчи пенсия тизимининг нақд ярмини, ихтиёрий жамгаиб бориладиган қисми эса 30%ни ташкил этмоқда.¹⁵ Бу борада мамлакатимизда жамгаиб бориладиган пенсия тизими ҳолатини ўрганиш учун 6-жадвалда келтирилган молиявий кўрсаткичларга эътибор қаратиш зарур.

6-жадвал

Жамгаиб бориладиган пенсия тизими маблагларини 2017-2022 йиллардаги кўрсаткичлари прогнози, млрд. сўмда¹⁶

| Т/р | Номи | Йиллар | | | | | |
|-----|----------------------------------|---------|---------|---------|-------------------|-------------------|-------------------|
| | | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 (прогноз) | 2021 (прогноз) | 2022 (прогноз) |
| 1 | Жойлаштирилган маблаглар қолдиғи | 2 222,7 | 3 307,8 | 3 760,9 | 4 343,8 | 4 908,5 | 5 448,4 |
| 2 | Олинадиган жами даромад | 167,4 | 323,3 | 560,0 | 659,1 | 801,4 | 857,0 |
| | Ўртача фоиз ставкаси | 7,6% | 11,2% | 15,4% | 15,5% | 16,8% | 16,3% |
| 3 | Харажатлар | 341,0 | 473,0 | 591,4 | 567,7 | 543,4 | 521,6 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жамгаиб бориладиган пенсия тизими маблаглари 2019 йилгача деярли икки баробарга ошиб, ўртача фоиз ставкаси ҳам мутаносиб даражада ўсиб келган. 2020 йил прогнозига кўра, олинадиган жами даромад харажатларга нисбатан 0,5 баробаргача кўтарилиб борилиши кузатилмоқда. Мисол тариқасида кўриладиган булса, жамгаиб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этадиган фуқароларга ўтказилган мажбурий бадаллар қолдиғи 3703,8 млрд. сўмни, ихтиёрий бадаллар қолдиғи эса 60,3 млрд. сўмни, бу эса жамига нисбатан атиги 1,6 %ни ташкил этади.

Жамгаиб бориладиган пенсия жамгармаларининг инвестицион фаолиятини тартибга солиш борасида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, жамгарма маблагларини диверсификациялаш ҳамда мавжуд йўналишларини янада такомиллаштириб бориш соҳанинг инвестицион қобилиятини янада ошириб боришга хизмат қилади.

¹⁵ Мамаджонов И., Мирзамахмудов М. Давлат пенсия таъминотини ривожлантириш масалалари. //“Иқтисод ва молия”. 2014. 5-сон

